

КАСБИ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ

А Ж Р И М И

(даъво аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

Миришкор тумани

2023 йил 21 ноябрь

Касби туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.Ч.Абраев раислигида, судья ёрдамчиси А.Убайдуллаевнинг котиблигида, даъвогар "██████████" масъулияти чекланган жамиятининг, жавобгар "██████████" фермер хўжалигидан 57264851 сўм асосий қарз, 28632425 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили Д.Эшонқулов (ишончнома асосида) иштирокида, Миришкор туман солиқ инспекцияси биносида, очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Даъвогар "██████████" масъулияти чекланган жамияти (бундан кейин матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "██████████" фермер хўжалиги (бундан кейин матнда жавобгар деб юритилади)дан 57264851 сўм асосий қарз, 28632425 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабларини қўллаб-қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили белгиланган тартибда суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор этилган бўлса-да, суд мажлисига келмади ва ўз эътирозларини билдирмади.

Мазкур ҳолатда суд ишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 170-моддасига асосан ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд тарафлар вакилларининг иш бўйича тушунтиришларини тинглаб, тақдим этилган ва ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим деб топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Касби туманлараро иқтисодий судининг 4-1805-2302/1625-сонли иқтисодий иши бўйича 2023 йил 07 июлдаги ҳал қилув қарори билан "TURSUNPO`LAT ABDUSALOMOVICH" фермер хўжалиги соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

ИПКнинг 107-моддаси 9-бандига кўра, жавобгарга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлса ва жавобгарга нисбатан тақдим этилган талаб қонунга кўра банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кўрилиши лозим бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 24 майдаги 13-сонли “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 21-бандида даъво аризасини кўрмасдан қолдириш низонинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмасдан туриб суд муҳокамасини тамомлаш шаклларида бири ҳисобланади. ИПКнинг 107-моддасида кўрсатилган даъво аризасини кўрмасдан қолдириш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида суд ажрим чиқаради ва у ИПКнинг 108-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилиши белгиланган.

Баён этилганларга кўра суд, даъвони кўрмасдан қолдиришни, даъвогар ҳисобидан республика бюджетига 1 717 945,52 сўм давлат божи ундиришни, олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати даъвогар зиммасида қолдиришни лозим деб топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 128, 170, 108, 195, 196-моддаларига асосланиб, суд

а ж р и м қ и л д и :

Даъвогар “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятининг даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогар “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан республика бюджетига 1 717 945,52 сўм давлат божи ундирилсин.

Олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати даъвогар зиммасида қолдирилсин.

Ажрим нусхаси тарафларга юборилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач суд харажати қисмига ижро варақаси берилсин.

Ажримдан норози томон бир ой ичида апелляция тартибида шикоят қилиши (протест келтириши) мумкин.

Судья

Х.Ч.Абраев